



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «30» сентябрь

№ПК-346

Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг илм-фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда жаҳон миқёсида Ватанимиз довруғини кенг таратган буюк аждодларга муносаб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида **Фан олимпиадалари марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш түғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказнинг асосий фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

қобилиятли ҳамда фанларни чуқур ўрганишга қизиқадиган ёшларни аниқлаш ва селекция қилиш, улардаги иқтидорни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларни фан олимпиадаларига мақсадли тайёрлашга оид ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

фан олимпиадалариға тайёрлаш бўйича тренерлар жамоасини, шу жумладан хорижий мутахассислар, олимлар ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;

халқаро ва республика миқёсида мактаб фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиада, мусобақа ва танловларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиёт ва илм-фаннынг устувор йўналишларида, шу жумладан мактаб таълими тизимида фаолият олиб боришига кўмаклашиш;

олимпиадалар ўтказиш бўйича халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни оммалаштириш;

фан олимпиадаларини тарғиб қилиш, ўзбекистонлик ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларидағи иштироки ва натижалари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказнинг чекланган бошқарув штат бирликлари сони 27 тани ташкил қиласи ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимининг умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

б) Марказ ходимларига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади. Бунда:

Марказ директорининг лавозим маоши Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги департаменти директори лавозим маошига, директор ўринбосарининг лавозим маоши вазирлик бошқарма бошлиғи лавозим маошига, таркибий бўлинмалар бошлиқларининг лавозим маоши вазирлик бўлим бошлиғи лавозим маошига, бошқа мутахассис ходимларнинг лавозим маоши вазирликнинг тегишли даражадаги мутахассислари лавозим маошига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

в) Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Таълим соҳасида ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси, Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ва қонунчилик

хұжжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, 2027 йилдан бoshлаб босқичма-босқич – хұжалик фаолиятини юритишдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **2025 йил 1 октябрға** қадар Таълим соҳасида ислоҳотларга күмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказда фанлар бүйіча амалий топшириқларни бажариш учун замонавий асбоб-ускуналар ва хомашё материаллари билан түлиқ жиҳозланған лаборатория ташкил қылсин.

3. Белгилансинки, үқувчиларнинг халқаро олимпиадаларда муносиб иштирокини таъминлаш учун 2025 йилдан бoshлаб Марказ томонидан:

5–8-синф үқувчилари үртасида үтказиладиган олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этган иқтидорли үқувчилар базаси шакллантирилади ва уларни халқаро олимпиадаларга мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилади;

ҳар бир фан йўналиши бүйіча **ўқув дастурлари, адабиётлар, методик тавсиялар, қўлланмалар ва журналлар** яратилиб, улар доимий равишда хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда халқаро олимпиадалар методологияси асосида такомиллаштириб борилади;

ўқувчиларни фан олимпиадалариға тайёрловчи **тренер-ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланиши** учун зарур шароитлар яратилади, уларга янги методикалар ўргатиб борилади;

фан олимпиадалари бүйіча миллий терма жамоаларнинг хорижий давлатлар терма жамоалари билан **қўшма йиғинлар** үтказиш амалиёти йўлга қўйилади;

ўқувчилар учун халқаро олимпиадаларда **руҳий босимни енгиш бўйича семинарлар ҳамда мотивацион тренинглар** ташкил қилинади;

асосий фан олимпиадаларининг ҳудудий босқичида муваффақиятли иштирок этган иқтидорли ёшлар учун **“интеллектуал оромгоҳлар”** ташкил этилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) халқаро фан олимпиадалари **нуфузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадаларга** бўлинади ва ушбу олимпиадалар ғолиблари, уларнинг үқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарлари 1-иловага мувофиқ миқдорларда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

б) нуфузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва миңтақавий халқаро олимпиадаларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

в) **2025 йил 1 январдан** бошлаб нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган **терма жамоалар раҳбарларини жамоанинг натижасига қараб рағбатлантириш** тартиби жорий этилади. Бунда:

терма жамоалар раҳбарлари нуфузли халқаро олимпиадаларда эришилган ҳар бир олтин, кумуш, бронза медаллари учун тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг **35, 25, 15 баравари** миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

терма жамоалар раҳбарларини пул мукофоти билан тақдирлаш **2027 йилга қадар – Давлат бюджетидан, 2027 йилдан бошлаб – Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

г) **2025 йил 1 январдан** бошлаб:

асосий фан олимпиадаларининг ҳудудий ва республика босқичларида ҳамда халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарларига тўланадиган пул мукофотлари ва бериладиган совғалар **даромад солиғидан озод** этилади;

терма жамоалар раҳбарлари, кузатувчилари ва ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан **суткалик, яшаш, сұғурта ва транспорт харажатлари** Давлат бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

халқаро олимпиадаларда қатнашиш учун жалб этиладиган ўқувчилар ўқув йиғинлари даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **бепул озиқ-овқат ва ётоқхона билан таъминланади.**

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

а) **2025 йил 1 декабрга қадар:**

халқаро ва маҳаллий фан олимпиадалари натижаларининг доимий статистикасини юритиш, онлайн фан олимпиадаларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда олимпиадалар иштирокчиларининг маълумотлар базасини шакллантириш имконини берувчи **электрон платформа** яратсин;

Ўзбекистонда ўтказиладиган буюк алломалар номи билан аталадиган халқаро фан олимпиадалари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириладиган, маҳаллий ва хорижий ўқувчиларнинг ушбу олимпиадаларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтишларини таъминлайдиган маҳсус сайтни ишга туширсин;

б) 2025 йил 1 майга қадар фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш ва ғолибларни рағбатлантириш тартибини такомиллаштирсин. Бунда:

асосий фан олимпиадаларининг республика босқичи ғолибларига медаль бериш тизимини жорий этишни;

табиий фанлар бўйича олимпиадаларнинг республика босқичида ўқувчилар томонидан амалий топшириқлар бажарилишини назарда тутсин.

6. Белгилансинки, юртимиз ва буюк аждодларимизнинг дунё илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини тарғиб этиш мақсадида қўйидаги халқаро олимпиадалар ўтказиб борилади:

миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик ҳиссини шакллантириш, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган Буюк Шарқ Ренессанси халқаро олимпиадаси;

Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадаси;

Абу Райхон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси;

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадаси;

Абу Али Ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадаси.

7. Марказ Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 1-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 1-уда жойлашган бино ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Марказга:

нодавлат фан олимпиадалари ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ пуллик хизматларни кўрсатишга;

халқаро тижорий (пуллик) ва нотижорий фан олимпиадалари ва танловларни ўтказишга;

маҳаллий ва хорижий мутахассисларни тўғридан-тўғри фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида жалб этишга рухсат берилсин.

9. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига **3-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг кўламда ёритсин.

12. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-346-сон қарорига
1-илова

**Нуғузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадалар ғолиблари, уларнинг
ўқитувчилари ва терма жамоалар раҳбарларига тўланадиган бир марталик пул мукофоти миқдори***

Т/р	Ўрин (медаль)	Пул мукофотини олувчи	Бир марталик пул мукофоти миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорининг баравари)		
			нуғузли халқаро олимпиада учун	халқаро олимпиада учун	минтақавий халқаро олимпиада учун
1.	1-ўрин (олтин медаль)	Ғолиб	500	150	12
2.		Ўқитувчи	450	50	50
3.		Терма жамоа раҳбари	35	—	—
4.	2-ўрин (кўмуш медаль)	Ғолиб	300	100	8
5.		Ўқитувчи	250	35	35
6.		Терма жамоа раҳбари	25	—	—
7.	3-ўрин (бронза медали)	Ғолиб	200	50	6
8.		Ўқитувчи	150	30	30
9.		Терма жамоа раҳбари	15	—	—

* Нуғузли халқаро олимпиадалар, халқаро олимпиадалар ва минтақавий халқаро олимпиадаларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-346-сон қарорига
2-илова

**Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Фан олимпиадалари маркази (кейинги ўринларда – Марказ)ни ташкил этиш.	2025 йил 1 январь	Ижрочилар маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
2.	Марказда кимё, биология, физика фанлари бўйича амалий топшириқларни ўtkазиш имкониятига эга ва замонавий асбоб-ускуналар ва хомашё материаллари билан тўлиқ жиҳозланган лаборатория ташкил қилиш.	2025 йил 1 октябрь	Таълим соҳасида ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
3.	Ўқувчиларнинг фан олимпиадаларига тайёргарлик кўриши учун ҳар бир фан йўналишида дастур, қўлланма, ўқув адабиётлар ва журнал яратиш.	2024–2025 йиллар давомида	Ижрочиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
4.	Ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш салоҳиятига эга тренер-ўқитувчиларнинг доимий ривожланишини таъминлаш.	2025–2026 йиллар давомида	Ижрочиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
5.	Нуфузли халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган терма жамоалар раҳбарларини рағбатлантириш. Бунда терма жамоалар раҳбарлари нуфузли халқаро олимпиадаларда эришилган ҳар бир олтин, кумуш, бронза медаллари учун тегишинча базавий ҳисоблаш миқдорининг 35, 25, 15 баравари миқдорида Давлат бюджетидан, 2027 йилдан бошлаб босқичма-босқич Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади.	2025 йил 1 январдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари, Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижроилар
6.	Ҳудудларда таътил даврида фан олимпиадаларининг ҳудудий босқичида муваффақиятли иштирок этган иқтидорли ёшлар учун “интеллектуал оромгоҳлар” ташкил қилиш.	2025 йил 1 январдан бошлаб	Ижроиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон касаба юшмалари федерацияси (Қ.Рафиков), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)
7.	Фан олимпиадалари бўйича терма жамоанинг хорижий мамлакатлар терма жамоалари билан қўшма йигинларда иштирок этишини таъминлаш ҳамда бундай йигинларни Ўзбекистонда ташкил қилиш.	2025 йил 1 январдан бошлаб	Ижроиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Сайдов)
8.	Фан олимпиадаларининг туман, вилоят ва республика босқичлари учун ишлаб чиқилган назорат материаллари ва топшириқларни чоп этиш.	2026 йил 1 сентябрь	Ижроиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
9.	Халқаро ва маҳаллий фан олимпиадалари натижаларининг доимий статистикасини юритиш, онлайн фан олимпиадаларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда олимпиадалар иштирокчиларининг маълумотлар базасини шакллантириш имконини берувчи электрон платформа яратиш.	2025 йил 1 декабрь	Ижроиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов)
10.	Ўзбекистонда ўтказиладиган буюк алломалар номи билан аталадиган халқаро фан олимпиадалари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириладиган ҳамда маҳаллий ва хорижий ўқувчиларнинг рўйхатдан ўтишини таъминлайдиган маҳсус сайтни ишга тушириш.	2025 йил 1 декабрь	Ижроиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)

T/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
11.	Кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадалари сонини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тарих ва рус тили фанларидан ҳам асосий фан олимпиадаларини ўтказишни йўлга қўйиш.	2024/2025 ўқув йилидан бошлаб	Ижрочиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
12.	Хорижий терма жамоалар томонидан мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун тўланадиган қўшимча бадал тўловларини Марказнинг маҳсус ҳисобрақамига ўтказиш.	2025 йил 1 январдан бошлаб	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
13.	Фан олимпиадалари топшириқлари ва назорат материалларини олимпиада ўтганидан сўнг электрон шаклда Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда ушбу материалларни қўлланма шаклида очик савдога чиқариш.	2025 йил 1 январдан бошлаб	Ижрочиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
14.	Ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларига тайёргарлик жараёнлари, иштироки, уларнинг ютуқлари, шунингдек, илм соҳасидаги келгуси режалари, фан олимпиадалари ғолибларини кутиб олиш ва тақдирлаш жараёнларини ёритиш бўйича медиарежани тасдиқлаш ва амалга ошириш.	Медиарежада белгиланган муддатларда	Ижрочиларнинг ўз маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабаев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
15.	Аждодларимизнинг дунё тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси, юртимизнинг маданияти, адабиёти ва тарихини ўрганишни рағбатлантириш мақсадида ўқувчилар ўртасида Буюк Шарқ Ренессанси халқаро олимпиадасини ўтказишни йўлга қўйиш.	2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари	Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Хасанов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов)
16.	Марказга 1 та енгил автотранспорт воситаси ва 2 та автобус харид қилиш. Марказ хизмат автотранспорт воситаларини сақлаш харажатларини Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш.	2025 йил сентябрь	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)
17.	Терма жамоалар раҳбарлари, кузатувчилари ва ўқувчиларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан суткалик, яшаш, суғурта ва транспорт харажатларини қоплаш. Ёшлар ишлар агентлигига ушбу мақсадлар учун ҳар йилги Давлат бюджети параметрларида режалаштирилган маблағларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказиб бериш.	2025 йил 1 январдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-346-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4306-сон қарорида:

а) 1 ва 2-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-бандда:

иккинчи хатбоши “тасдиқлансан” сўзи билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

в) 4-банднинг учинчи хатбошидаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги” сўzlари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг 4–11 синф, академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари учун ҳар чоракда онлайн тарзда олимпиадалар ташкил қилиш орқали иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантирсан ҳамда захирага киритилган ёшларга етказиш мақсадида чуқурлаштирилган назорат материаллари, шу жумладан, тест, ёзма ишлар учун масалаларни ҳар ойда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги веб-сайтига жойлаштириб борилишини таъминласин”;

д) 7-банднинг “б” кичик бандидаги “Ёшлар ишлари агентлигига” сўzlари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига” сўzlари билан алмаштирилсин;

е) 1-илованинг изоҳ қисми чиқариб ташлансан;

ж) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарорида:

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қўйидагилар:

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

Давлат мактабгача таълим тизими раҳбар, педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2а-иловага мувофиқ;

Тўман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2б-иловага мувофиқ;

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ”;

б) 4-бандда:

“б” кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик учун (ўқувчилар икки гурӯҳга бўлиб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳам) ажратилган дарс соатларига мутаносиб равишда синфдаги (синф – комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлганда – 8,8 фоиз, 15 нафар ва ундан ортиқ бўлганда – 17,6 фоиз”;

қўйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) лаборатория хонаси мавжуд бўлганда, физика ёки кимё фани ўқитувчиларидан бирига – 50 фоиз”;

в) 1-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нишбатан (коэффициентда)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта маҳсус маълумотли
1.	Умумий ўрта таълим ташкилотларининг ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири, ўқитувчи-дефектологи, инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактабларининг маҳсус педагоги	4,047	3,662	3,287	2,936	2,744
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари қошидаги ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик хизмат шўйбаси ходимлари	3,871	3,503	3,144	2,808	2,625
3.	Мактабдан ташқари таълим муассасасининг ўқитувчи-тренери, олий спорт маҳорати мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг, болалар спорт мактабларининг инструктор-методистлари, спорт психологи	2,845	2,657	2,487	2,318	2,154

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта маҳсус маълумотли
4.	Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	3,087	2,889	2,692	2,503	2,320
5.	Болалар мусиқа ва санъат мактаби концертмейстери	2,692	2,503	2,320	2,146	1,981
6.	Барча типдаги муассасалар тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист)	4,047	3,662	3,287	2,936	2,058
7.	Умумий ўрта типдаги муассасалар психологари, "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчалари психологлари	3,205	3,022	2,829	2,642	2,470
8.	Барча типдаги муассасаларнинг психологи (7-банддан ташқари) ва мактабдан ташқари муассасалари инструктор-методисти (3 ва 11-бандлардан ташқари)	1,795	1,668	1,547	1,430	1,321
9.	Барча муассасалардаги методист, педагог-ташкилотчи, тўгараклар раҳбарлари, барча ихтиносликлар инструкторлари, аккомпониатор, мусиқа раҳбари, маданият ишлари бўйича ташкилотчи (11-банддан ташқари)	1,579	1,453	1,332	1,216	1,106
10.	Барча муассасалардаги студиялар, секциялар раҳбарлари, катта вожатий, экскурсовод	1,511	1,390	1,274	1,163	1,057

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта маҳсус маълумотли
11.	“Баркамол авлод” болалар мактабларининг тўғарак раҳбарлари, инструктор-методистлари ва методистлари, “Меҳрибонлик” уйлари мусиқа раҳбарлари ва тренер йўриқчиси, болалар шаҳарчалари мусиқа раҳбарлари	2,724	2,506	2,297	2,097	1,907
12.	Кутубхона мудири				2,018	1,849
13.	Кутубхоначи				1,688	1,604

Изоҳ:

Мактабдан ташқари муассасалар бўлим, секция, лаборатория, кабинет мудирининг иш ҳақи миқдори (контигенентдан қатъи назар) иккинчи малака тоифали тўғарак раҳбарининг иш ҳақига тенг миқдорда белгиланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактаблар тўғарак раҳбарларининг базавий тариф ставкаси миқдорлари давлат умумий ўрта таълим муассасалари олий маълумотли ўқитувчиси базавий тариф ставкасининг 80 фоизи миқдорида белгиланади”;

г) 2-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)			
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	III гурӯҳ	IV гурӯҳ
I	Раҳбарлар				

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)			
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	III гурӯҳ	IV гурӯҳ
1.1	Умумий ўрта таълим ташкилоти директори	4,870	4,604	4,342	4,066
1.2	“Меҳрибонлик” уйи директори	4,342	4,066	x	x
1.3	Мактабдан ташқари муассаса директори	1,795	1,668	1,547	x
1.4	“Баркамол авлод” болалар мактаби директори	2,782	2,586	2,398	x
1.5	Республика дам олиш маскани директори	3,738	3,501	3,501	x
1.6	Олий спорт маҳорати мактаби, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори	3,037	x	x	x
1.7	Болалар спорт мактаби директори	2,845	2,657	2,487	x
1.8	Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори	3,704	3,467	x	x
II	Раҳбарларнинг ўринбосарлари				
2.1	Умумий ўрта таълим ташкилоти директорининг ўринбосарлари (2.8-банддан ташқари), мактаб маслаҳатчиси	4,604	4,342	4,066	3,798
2.2	“Меҳрибонлик” уйи директорининг ўринбосари	4,066	3,798	x	x
2.3	Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўринбосарлари (2.8-банддан ташқари)	1,668	1,547	1,430	x
2.4	“Баркамол авлод” болалар мактаби директорининг ўринбосарлари (2.8-банддан ташқари)	2,586	2,398	2,217	x
2.5	Олий спорт маҳорати мактаби, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари	2,845	x	x	x
2.6	Спорт мактаби директорининг ўринбосари, филиал директорлари	2,657	2,487	2,318	x
2.7	Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	3,467	3,231	x	x

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)			
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	III гурӯҳ	IV гурӯҳ
2.8	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринbosари	1,980	1,828	1,681	1,541

Изоҳ: умумий ўрта таълим ташкилотларининг Ватанпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринbosари-Ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбарининг иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабининг олий маълумотли (тоифасиз) ўқитувчиси базавий тариф ставкаси миқдорига тенглаштирилади”;

д) қўйидаги мазмундаги 2а-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига
2а-илова

Давлат мактабгача таълим тизими раҳбар, педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари

1. Давлат мактабгача таълим тизими педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

Т/р	Лавозим номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта маҳсус (касб-хунар) маълумотли
1.	Тил ўқитувчилари, ўқитувчи- дефектолог, ўқитувчи-логопед, давлат мактабгача таълим ташкилоти ўқитувчиси, олий маълумотли тайёргарлик гурӯҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячилари	4,047	3,662	3,287	2,936	1,859*

2.	Тарбиячи-методист, тарбиячи (олий маълумотли тайёргарлик гурӯҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиларидан ташқари)	4,047	3,662	3,287	2,936	1,717*
3.	Психологлар	3,238	3,052	2,858	2,669	1,859*
4.	Мусиқа ходими, хореограф, барча ихтисосликлар йўриқчилари	2,053	1,889	1,731	1,580	1,437
5.	Олий ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар педагогик маълумотли тарбиячи ёрдамчиси				1,567	
6.	Олий, ўрта маҳсус, касб-ҳунар нопедагогик маълумотли ва умумий ўрта маълумотли тарбиячи ёрдамчиси				1,249	

*Мазкур базавий тариф ставкаси олий таълим муассасаларининг педагогика йўналишларида кундузги, кечки, сиртқи бўлимларнинг 3 ва ундан юқори курсларида ўқиётган шахслар томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашда қўлланади.

2. Давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

T/р	Лавозим номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)	
		I гурӯҳ	II гурӯҳ
1.	Директор	2,754	2,567

Изоҳ:

Давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг базавий тариф ставкаси ташкилотлар гурӯҳидан келиб чиқиб белгиланади.

Бунда 9 та ва ундан ортиқ гурұхлари мавжуд давлат мектебгача таълим ташкилотлари I гурұх, 8 тағача гурұхлари мавжуд давлат мектебгача таълим ташкилотлари II гурұхга мансуб ҳисобланади”;

е) қүйидаги мазмундаги 26-илова билан түлдирилсін:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига
26-илова

**Тұман (шаҳар) мектебгача ва мектаб таълими бўлимлари ходимлари
мехнатига ҳақ тўлаш миқдорлари**

1. Тұман (шаҳар) мектебгача ва мектаб таълими бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

T/p	Лавозимлар номи	Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)				
		Шаҳарлар- вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри ва қишлоқ туманлари		Шаҳар туманлари		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	I гурӯҳ	II гурӯҳ	
1.	Бўлим бошлиғи	3,439	3,234	3,234	3,032	3,234
2.	Бўлим бошлиғи ўринбосари, шўъба бошлиғи	2,836	2,643	2,836	2,643	2,643
3.	Бош мутахассис	2,511	2,331	2,511	2,331	2,331
4.	Етакчи мутахассис	2,260	2,098	2,260	2,098	2,098
5.	Мутахассис	1,636	1,510	1,636	1,510	1,510

2. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)		
		Шаҳарлар-вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри, қишлоқ туманлари, шаҳар туманлари		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	
1.	Бош бухгалтер	4,127	3,881	3,881
2.	Бош бухгалтер ўринбосари, бош иқтисодчи, бош иқтисодчи – гурӯҳ раҳбари	3,881	3,639	3,639
3.	Гурӯҳ раҳбари (ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича, товар-моддий қимматликлар ҳисоби бўйича, давлат харидлари ва шартномалар бўйича, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби бўйича)	3,639	3,403	3,403
4.	Бош мутахассис (иқтисодчи, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтер, товар-моддий қимматликлар ҳисоби бўйича бухгалтер, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби бўйича бухгалтер, давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис)	3,171	2,945	2,945

3. Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари:

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан (коэффициентда)		
		Шаҳарлар-вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри, қишлоқ туманлари, шаҳар туманлари		Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		I гурӯҳ	II гурӯҳ	
1.	Хизмат бошлиғи-бош муҳандис	2,587	2,426	2,426
2.	Бош мутахассис	2,114	1,963	1,963

3.	Мутахассис (таълим муассасалари қозонлари ва иситиши тизимларини назорат қилиш бўйича), коммунал хизматлар бўйича инспектор, биноларнинг техник ҳолати ва инфратузилмасини назорат қилиш ва жиҳозлаш бўйича муҳандис	1,963	1,813	1,813
----	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------	-------	-------

3.1. Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари:

T/p	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
1.	Электромонтёр, чилангур-сантехник, пайвандчи	6
2.	Диспетчер, экспедитор	5
3.	Енгил автомобиль ҳайдовчиси	*

*Мазкур лавозимлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади”;

ж) 3-иловада:

5-банд чиқариб ташлансин;

10-бандда:

“6” кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик учун (ўқувчилар икки грухга бўлиб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳам) ажратилган дарс соатларига мутаносиб равишда синфдаги (синф – комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлганда – 8,8 фоиз, 15 нафар ва ундан ортиқ бўлганда – 17,6 фоиз”;

қўйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) лаборатория хонаси мавжуд бўлганда, физика ёки кимё фани ўқитувчиларидан бирига – 50 фоиз”;

21-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда директор жамғармаси ҳисобидан янги ўқув йили учун тайинланган устамалар жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб келгуси йилнинг 31 августига қадар тўлаб борилади”;

22-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда ушбу фанлар бўйича ўқитувчилар мавжуд бўлса бўлиб ўқитишига рухсат этилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиши бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 562-сон қарорида:

а) 2-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган талабномага асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борсин”;

“в” кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлигининг” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълим вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги “Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова зиммасига юклансин”;

г) 1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Халқ таълими вазирлиги” сўзлари “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Олимпиадаларни ташкил этиш учун Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари), туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида ҳар бир олимпиада ҳамда унинг босқичларини ўтказиш бўйича республика ва ҳудудий ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – ташкилий қўмита) тузилади”;

12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ташкилий қўмита таркибига Вазирлик, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг масъул ходимлари ва бошқа маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари вакиллари киритилиши мумкин”;

33-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги “халқ таълими бўлими” сўзлари “мактабгача ва мактаб таълими бўлими” сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Иккинчи босқич туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлиmlари томонидан биринчи босқичда ғолиб бўлган ўқувчилар ўртасида ўtkaziladi.

Академик лицей ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи Президент, ижод мактаблари ҳамда Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаблар ва ушбу мактабларнинг ҳудудлардаги филиалларининг биринчи босқич ғолиблари иккинчи босқичда иштирок этмасдан тўғридан-тўғри учинчи босқичда иштирок этадилар.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи бошқа мактабларнинг биринчи босқич ғолиблари жойлашуви бўйича асосий олимпиадаларнинг иккинчи босқичида иштирок этади”;

36-банднинг учинчи хатбошисидаги “халқ таълими” сўзлари “мактабгача ва мактаб таълими” сўзлари билан алмаштирилсин;

37 ва 38-бандлардаги “халқ таълими” сўзлари “мактабгача ва мактаб таълими” сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“академик лицейлар ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи Президент, ижод мактаблари ҳамда Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаблар ва ушбу мактабларнинг ҳудудлардаги филиаллари томонидан тавсия этилган З нафаргача ўқувчилар”;

41-банддаги “халқ таълими” сўзлари “мактабгача ва мактаб таълими” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“43. Тўртинчи босқич учун назорат материаллари ҳамда уларни баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан тайёрланади”;

44-банд “математика” сўзидан кейин “, тарих, рус тили ва адабиёти” сўzlари билан тўлдирилсин;

59-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Президент таълим муассасалари агентлиги” сўzlари “Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

70-банндаги “электрон сертификатлар” сўzlари “диплом” сўзи билан алмаштирилсин;

73-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“73. Нуфузли халқаро олимпиадалар ғолибларининг ўқитувчилари ҳамда таълим муассасалари директорлари белгиланган тартибда рағбатлантирилади”;

76-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“76. Олимпиада ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш харажатлари Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Ушбу Низомга 2-иловада келтирилган рўйхатдаги халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари учун пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-346-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади”;

77 ва 78-банdlар қўйидаги таҳriрda баён этилсин:

“77. Асосий олимпиадаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳамда Вазирlikning ҳар йилги марказлашган харажатлар сметасида режалаштирилади.

78. Мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган халқаро олимпиадалар терма жамоа аъзолари ва раҳбарларининг иштироки билан боғлиқ барча харажатлар Вазирлик томонидан қопланади”;

79-банdda:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг” сўzlари “Вазирlikning” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “нуфузли” сўзи чиқарib ташлансин;

80-банддаги “нуфузли” сўзи чиқариб ташлансин;

81-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи терма жамоани саралаш босқичлари учун тайёрланган ҳар бир топшириқ (унинг ечими билан) учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 50 фоиз миқдорида”;

бешинчи хатбошидан “нуфузли” сўзи чиқариб ташлансин;

82-банднинг биринчи хатбошисидан “нуфузли” сўзи чиқариб ташлансин;

83-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“83. Халқаро олимпиадаларда ўқувчиларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида, уларнинг юқори даражада тайёргарлик кўришлари учун Фан олимпиадалари марказида ҳамда “Ренессанс” оромгоҳида ўқув базаси ташкил этилади, барча зарур шароитлар таъминланади ва Вазирлик томонидан ўқув жараёнларига республика ва хорижлик малакали мутахассислар жалб қилинади”;

84-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“84. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги халқаро олимпиадаларга жалб қилинган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда терма жамоа аъзоларини ётоқхона ва транспорт хизмати билан таъминлайди”;

85-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“85. Халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон терма жамоасининг иштирок этиши Вазирлик томонидан мувофиқлаштириб борилади”;

1-иловада:

қўйидаги мазмундаги 19 ва 20-позициялар билан тўлдирилсин:

19.	Тарих	+	+	+
20.	Рус тили ва адабиёти	+	+	+

”;

қўйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“Изоҳ: мазкур рўйхатга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин”;

2-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий ўрта таълим ташкилотлари,
академик лицей ва касб-хунар
мактаблари ўқувчилари ўртасида фан
олимпиадаларини ташкил этиш,
ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадалар
иштирокчиларини саралаш ва
ғолибларни рағбатлантириш тартиби
тўғрисидаги низомга

2-илова

Халқаро олимпиадалар рўйхати

Нуфузли халқаро олимпиадалар		
1.	Халқаро математика олимпиадаси	International Mathematical Olympiad (IMO)
2.	Халқаро физика олимпиадаси	International Physics Olympiad (IPhO)
3.	Халқаро кимё олимпиадаси	International Chemistry Olympiad (IChO)
4.	Халқаро биология олимпиадаси	International Biology Olympiad (IBO)
5.	Халқаро информатика олимпиадаси	International Olympiad in Informatics (IOI)
Халқаро олимпиадалар		
6.	Халқаро немис тили олимпиадаси	International German Olympics (IDO)
7.	Халқаро француз тили олимпиадаси	International French Language Olympiad (IFLO)
8.	Халқаро инглиз тили олимпиадаси	International English Olympiad
9.	Халқаро география олимпиадаси	International Geographical Olympiad (IGeo)
10.	Халқаро иқтисод олимпиадаси	International Economics Olympiad (IEO)
11.	Халқаро астрономия олимпиадаси	The International Astronomy Olympiad (IAO)
Минтақавий халқаро олимпиадалар		
12.	Халқаро Жаутиков олимпиадаси (математика, физика, информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича)	International Zhautykov Olympiad (IZHO)
13.	Кавказ математика олимпиадаси	Caucasus Mathematic Olympiad (CMO)
14.	Болқон математика олимпиадаси	Balkan Mathematical Olympiad (BMO)

15.	Ўсмирлар ўртасидаги Болқон математика олимпиадаси	Junior Balkan Mathematical Olympiad (JBMO)
16.	Халқаро математика мусобақаси	International Mathematical Competition (IMC)
17.	Халқаро Менделеев олимпиадаси (кимё фаны бүйича)	International Mendeleev Olympiad in Chemistry
18.	Халқаро ёшлар табиий ғанлар олимпиадаси	International Junior Science Olympiad (IJSO)
19.	Осиё физика олимпиадаси	Asian Physics Olympiad (APhO)
20.	Европа физика олимпиадаси	European Physics Olympiad (EuPhO)
21.	Осиё-Тинч океани минтақаси информтика олимпиадаси	Asian-Pacific Informatics Olympiad (APIO)
22.	Аҳмад ал-Фарғоний номидаги халқаро физика олимпиадаси	International Al-Farghani Olympiad in Physics
23.	Абү Райхон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадаси	International Al-Biruni Olympiad in Chemistry
24.	Абү Али Ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадаси	International Avicenna Olympiad in Biology (AIBO)
25.	Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информтика олимпиадаси	International Al Khwarizmi Olympiad in Mathematics and Informatics
26.	Европа Қызлар Информтика Олимпиадаси	European Girls' Olympiad in Informatics (EGOI)
27.	Европа Қызлар Математика Олимпиадаси	European Girls' Mathematical Olympiad (EGMO)
28.	Осиё-Тинч океани минтақаси математика олимпиадаси	Asian-Pacific Mathematical Olympiad (APMO)

Изоҳ: мазкур рўйхатга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин”.

